

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.San.54.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

АШУРОВ БАХТИЁР ШОКИРОВИЧ

**XVI-XVII АСРЛАРДА МИЛЛИЙ МУСИҚИЙ ТАФАККУР
РИВОЖИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЛҚИНИ
(Нажмиддин Кавкабий ва Дарвиш Али Чангий
“Рисолаи мусиқий”лари асосида)**

17.00.02 – Мусиқа санъати

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по искусствоведению**

**Content of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)
on art history**

Ашуров Бахтиёр Шокирович

XVI-XVII асрларда миллий мусиқий тафаккур ривожининг замонавий
талқини (Нажмиддин Кавкабий ва Дарвиш Али Чангий “Рисолаи мусиқий”лари
асосида)3

Ашуров Бахтиёр Шокирович

Современная интерпретация развития национального музыкального
мышления в XVI-XVII веках (На основе трактатов о музыке Наджмиддина Кавкаби
и Дарвиша Али Чанги)25

Ashurov Bakhtiyor Shokirovich

Modern interpretation of the development of national music thinking
XVI-XVII centuries (Based on the treatises on music of Najmiddin Kavkabi
and Darvish Ali Changi)45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....49

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.San.54.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

АШУРОВ БАХТИЁР ШОКИРОВИЧ

**XVI-XVII АСРЛАРДА МИЛЛИЙ МУСИҚИЙ ТАФАККУР
РИВОЖИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЛҚИНИ
(Нажмиддин Кавкабий ва Дарвиш Али Чангий
“Рисолаи мусиқий”лари асосида)**

17.00.02 – Муסיқа санъати

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4.PhD/San32 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат консерваториясида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.konservatoriya.uz манзилига ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида www.ziyo.net манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаев Рустамбек Самигович
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ражабов Асқарали
тарих фанлари доктори, профессор

Эргашева Чинора Эргаш қизи
санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.San.54.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил “___” _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 239-46-53; факс: (99871) 244-53-20; E-pochta: info@konservatoriya.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат консерваториясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100027, Тошкент, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 239-46-53.

Диссертация автореферати 2020 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2020 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.Б.Ғофурбеков

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Ш.И.Айходжаева

Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент

Р.Ю.Юнусов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, санъатшунослик фанлари номзоди, профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мусиқа меросида миллий мақом санъатининг жонли урф-одатлари ҳамда уларга бевосита алоқадор бўлган нодир ёзма манбалар алоҳида ўрин эгаллайди. Ана шу қадриятларнинг ўқ илдизларини ташкил этувчи мумтоз мусиқа ва унинг илмий-амалий асослари мақомот санъатининг беназир қадриятлари сифатида жаҳон мусиқа аҳли томонидан эътироф этилмоқда. Мусиқий манбашуносликда барча даврларда юзага келган мумтоз мусиқа навларининг устувор масалаларини бирламчи манбалар асосида аниқлаш, илмий назариясини очиб бериш, уларнинг мазмунини авлодларга аслидагидек етказиш асосий масалалардан ҳисобланади.

Дунё мусиқашунослигида миллий мумтоз санъат тарихини ўрганишда Шарқ халқлари санъатида алоҳида ўрин тутадиган мақом санъати тарихини манбалар асосида ўрганиш, миллий мақом санъати шаклланиши ва ривожига ўзининг бетакрор ҳиссасини қўшган буюк мусиқашунослар қўлёмаларининг танқидий матнларини тайёрлаш ва нашр қилиш ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Ушбу ноёб асарлар мақомчилик хусусиятларини очиб бериш, жанрлар таснифи ва бастакорлик анъаналарини илмий тадқиқ этиш нуқтаи назаридан ҳар бир халқ миллий мусиқа санъатининг пойдеворини ташкил этади.

Мамлакатимизда миллий мақом санъатининг маҳаллий услублари, асрий анъаналари, қадриятларига тобора юксак эътибор берилаётгани туфайли қайта тикланмоқда. “Агар биз санъатни, маданиятни кўтармоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини кўтаришимиз керак. Мақом оҳанглари, мақом руҳи ва фалсафаси ҳар бир инсон қалбидан, аввало, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг онги ва юрагидан чуқур жой олиши учун бор имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур”¹. Демак, мақом санъатига хос ижро услубларида яратилган мумтоз мусиқий намуналарни таҳлил қилиш, ўрганилаётган даврнинг икки мусиқий рисоаларнинг моҳияти, парда ва усул хусусиятлари, шаклларнинг тадрижий кўринишини тадқиқ этиш, қолаверса ёш авлод маънавиятига таъсир қилувчи миллий қадриятлар кесимида ўзбек маданиятида тутган ўрнини ёритишга имкон яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3178-сон “Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ-3391-сон “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 26 августдаги ПҚ-3920-сон “Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида

¹ Мирзиёев Ш. Дилларни дилларга, элларни элларга пайванд этадиган санъат. Халқаро мақом санъати анжуманининг очилиш маросидаги нутқи. // Халқ сўзи, 2018. 7 сентябрь. №185 (7143) – Б.1.

белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. XVI-XVII асрларда яшаган мусиқашунослар, уларнинг фаолияти ва ўша давр мусиқа тафаккури ҳақида Ҳасанхўжа Нисорийнинг “Музакири аҳбоб”, Мутрибий Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” каби тазкираларида, Дарвиш Али Чангийнинг “Рисолаи мусиқий”, Ҳасан Кавкабийнинг “Рисолаи мусиқий”сида, қолаверса ушбу даврга оид А.Фитрат, А.Семёнов, В.Беляев, В.Успенский, Е.Романовская, Ф.Кароматов, И.Раджабов, Т.Вызго, Т.Ғофурбеков, О.Матякубов, С.Даукеева, А.Назаров, А.Джумаев, А.Раджабов, А.Низомов, Д.Рашидова, З.Орипов ва бошқа олимларнинг тарихий ҳамда бадиий асарларида ҳам баъзи маълумотларни учратиш мумкин². Ушбу берилган маълумотлар диссертациянинг ўзига хос илмий салоҳиятини очиқ беришга хизмат қилади.

Янги давр мусиқашунослигида эса илк бор Нажмиддин Кавкабий каби мусиқашунослар ва уларнинг асарлари ҳақида Абдурауф Фитрат хабар берган³. Ундан сўнг А.А.Семёнов, И.Ражабов, Т.Вызго ва Ф.Кароматов, А.Джумаев, А.Ражабов ва бошқалар ўзларининг китоб ҳамда мақолаларида Н.Кавкабийнинг ҳаёти ва ижодига тўхталиб ўтганлар⁴.

Хусусан, Д.Рашидова Дарвиш Али Чангий ижоди бўйича илмий тадқиқот олиб борган⁵. Шу нуқтаи назардан, унинг Нажмиддин Кавкабийга бағишланган иккита илмий мақоласи муҳим аҳамият касб этади⁶. Кейинчалик Д.Рашидова Нажмиддин Кавкабийнинг “Рисолаи мусиқий” асарини рус тилига таржима қилишга ҳаракат қилган, афсуски таржима эълон қилинмасдан қўлёзма ҳолида қолиб кетди⁷.

² С.Даукеева. Философия музыки Абу Насра Мухаммада аль-Фараби. Алматы. 2002; А.Назаров. Марказий Осиё мусиқа тарихидан янги манбалар. Ражабийхонлик. Тошкент 1994; А.Раджабов. Нажмиддин Кавкабий. Рисолаи мусиқий ва Рисола дар баёни Дувоздахмақом./ Таҳия, таҳқиқ ва тавзиҳот ба қалами Асқарали Ражабов. Душанбе, 1985.

³ Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Тошкент, 1993. Б.56.

⁴ Семёнов А. Среднеазиатский трактат по музыке Дарвиш Али (XVI века). Ташкент, 1946; Семёнов А.А. К истории узбекской классической музыки. “Литература и искусство Узбекистана”. Тошкент, 1940; Вызго Т. ва Рашидова Д. Музыкально-теоретическое наследие народов Средней Азии. “Общественные науки в Узбекистане”. 1969, № 3.

⁵ Рашидова Д.А. Дервиш Али Чанги и его трактат о музыке (Мавераннахр, XVI-XVII в.): Диссертация на соискание ученой степени кандидата искусствоведения. Институт искусствознания. – Ташкент, 1981. Б.135.

⁶ Рашидова Д. Наджмаддин Кавкаби Бухори // История и современность. Проблемы музыкальной культуры народов Узбекистана, Туркмении и Таджикистана. – Москва, 1972. – Б. 365-376; Рашидова Д. Мавлоно Нажмиддин Кавкабий // Шарқ юлдузи. – № 1. – Тошкент, 1973. – Б. 189-203.

⁷ Рашидова Д. Музыкальный трактат Мавлана Кавкабий Бухараи. ЎЗР ФА СИ, Инв. № Р-28. № 508.

Александр Семёнов ҳам Кавкабий ижодини ўрганиб, “Нажмиддин Кавкабий ва унинг “Куллиёти”” номли илмий тадқиқот ишини олиб борган⁸.

Исҳоқ Ражабовнинг “Мақомлар масаласига доир” ҳамда 2006-йил чоп этилган “Мақомлар” монографияларида Нажмиддин Кавкабий ҳамда Дарвиш Али Чангий ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган. Шунингдек, ушбу икки йирик монографияда биз ўрганишни режа қилган даврларда битилган мусиқага оид рисолалардан унумли фойдаланилган⁹.

Таклиф этилаётган мавзунинг ёритишда Ўзбекистонлик ва ҳорижий олимларнинг (тарихчи, тилшунос, мусиқашунос) асарларида жорий этилган услубий ва илмий ёндашувлар мақом санъатининг назарий, эстетик ва ижрочилик масалаларини таҳлил этишда сезиларли таъсир кўрсатди. Шу нуқтаи назардан Д’Эрландже, Ж.Фармер, А.Ражабовларнинг мусиқий рисолаларнинг таржима ва таҳлил тажрибаларини алоҳида қайд этиш лозим.

Мусиқашунос олим Отаназар Матёкубов ўзининг бир қанча монография¹⁰ ва илмий мақолалари¹¹ да Нажмиддин Кавкабий ва Дарвиш Али Чангийлар ижодига алоҳида тўхталишга ҳаракат қилган. Унинг тадқиқотларида Кавкабий басталаган “Куллиёт” мумтоз Шашмақом шаклланишига пойдевор бўлиши алоҳида таъкидланади.

Оқилхон Иброҳимов Фарғона-Тошкент мақомлари ҳақидаги монографиясида Нажмиддин Кавкабий ва унинг ижодидан муҳим фикрларни тилга олади¹². Айниқса, унинг Кавкабий асарида келтирилган мақом ва унинг шўъбалари номларини жадвал тариқасида келтириб ўтганлиги бизнинг тадқиқотимиз учун жуда аҳамиятли бўлди.

Ўзбекистонлик мусиқашунос-олим Александр Джумаевнинг “Нажм ад-дин Кавкаби Бухари”¹³ китоби диссертациямиз доирасида ўрганилаётган даврнинг маълум бир қисмига, яъни Нажмиддин Кавкабий ҳаёти ва ижодига бағишланган тадқиқотдир.

Мусиқий-назарий жараёнини ўрганишда халқаро, минтақавий ва республика илмий конференцияларининг (Самарқанд 1978-1987, Тошкент 1975, Душанбе 1990-1994, Бухоро 1990, Самарқанд 1997-2019, Тошкент 2014-2019 ва ҳ.к.) маълумотларига ҳам катта эътибор қаратилди. Умуман олганда ўрта асрлар илмий мероси ва мақомот санъатининг тарихий-назарий ва монографик асарларини ўрганишда кўп олимларнинг ҳиссаси муҳим эканлигини эътиборга олган ҳолда, Нажмиддин Кавкабий ҳамда Дарвиш Али

⁸ Семёнов А.А. Мавляна Каукаби и его “Коллият”. Қўлёзма. ЎзР ФА СИ, Инв. № С-30. № 107. 38 варок.

⁹ Ражабов И. Мақомлар масаласига доир. Т., 1963; Ражабов И. Мақомлар. Т., 2006.

¹⁰ О.Матякубов. Бухоро Шашмақомига яна бир назар. Т.: 2014 (296 бет); О.Матякубов. Бухарский Шашмаком. Т.: 2013 (312 бет); О.Матякубов. Узбекская классическая музыка. Том 1. Истоки. Т.: 2015 (228 бет); О.Матякубов. Узбекская классическая музыка. Том 2. Теоретические основы. Т.: 2015 (216 бет).

¹¹ Otanazar Matyakubov. The Musical Treasure-Trove of Uzbekistan: The Phenomenon of Uzbek Classical Music //Anthropology&Archeology of Eurasia. USA. International journal. Taylor & Francis inc. Vol. 55, No.1, 2016. Pages 60-105; Отаназар Матякубов. Новая концепция узбекского национального искусства мақом // “XXI asr musiqa san’ati: muammo va yechimlar”. Халқаро конференция тўплами. Т.: 2018. Б.305-313.

¹² Ибрагимов О. Ферғано-Ташкентские мақомы. Т.: 2006. Б. 176.

¹³ Александр Джумаев. Наджм ад-дин Кавкаби Бухари: поэт, музыкант, ученый XVI-XVII вв. Жизнь и творчество (исследование и переводы). Т. “Baktria press”, 2016. 320 бет +40 бет илова.

Чангийларнинг асарларидаги устувор масалалар бўйича умумлаштирувчи тадқиқотлар мавжуд эмаслигини ҳам қайд этиш лозим.

Юқорида айтиб ўтилган олимлар ушбу мавзуда илмий ишлар олиб борган бўлсалар-да, уларнинг аксарияти (В.Беляев, И.Ражабов, О.Матякубов ва О.Иброҳимовлардан ташқари) мусиқашунослик жиҳатидан ушбу рисоаларни махсус ўрганиб, ўз давридаги жонли анъана бўлмиш мақомлар билан изчил боғлай олмаганлар ва улар манбалигича қолиб кетган. Бизнинг олдимизга қўйилган олий вазифамиз шундан иборатки, манбалар орқали Бухоро Шашмақомининг назарий ва амалий илмларини яқинлаштириш, улардаги боғлиқликларни амалиётда ишботини топиш, қолаверса XIX асрнинг ноёб кашфиёти саналмиш “Хоразм танбур чизиғи”даги ёзиб қолдирилган мусиқага оид асарлар билан бевосита боғлиқлигини тадқиқ этишдан иборатдир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат консерваториясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Миллий ва жаҳон мусиқа санъатида профессионал кадрлар тайёрлашнинг илмий-ижодий принциплари”, “Мақом санъати тарихи, назариясини ўрганиш ва ёш авлодни мақомлар руҳида тарбиялаш” мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XVI-XVII асрларда яратилган Нажмиддин Кавкабий ҳамда Дарвеш Али Чангийларнинг “Рисолаи мусиқий” асарини ўрганиш, амалиёт билан боғлаган ҳолда ушбу рисоаларнинг илм-фанда тутган ўрни ва аҳамиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўн икки мақом тизимининг таркибий тузилишини XVI-XVII асрлардаги кўриниши негизида аниқлаш;

замонавий ўзбек мусиқашунослигида “пешрав” шаклининг устувор аҳамиятини ифодалаб бериш;

мақом санъатидаги XVI-XVII асрларга оид муҳим бирламчи манба ва омилларни аниқлаш;

миллий мусиқий тафаккур ривожининг замонавий талқини кесимида бастакорлик ижодиётининг илмий-назарий масалалари муҳим ўрин тутганлигини асослаб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XVI-XVII асрларда ижод этган Нажмиддин Кавкабий ва Дарвеш Али Чангий илмий мероси танланган.

Тадқиқотнинг предмети Нажмиддин Кавкабий ва Дарвеш Али Чангий “Рисолаи мусиқий”лари ва улар негизида шаклланган мумтоз мусиқа назарияси, унинг асосида бастакорлар томонидан яратилган мусиқий асарларда акс этиш жараёнларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусини ёритишда таснифлаш, киёсий-тарихий метод каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

икки рисоладаги *амал, кор, рехта* каби мусиқий шакллар, бастакорлар ижодиёти ва улар билан боғлиқ мумтоз асарларнинг чолғу куйлари пешрав шакли асосида яратилганлиги исботланган;

мусиқий рисолаларнинг тузилиш тартиби ва ижро шаклларида ўзбек мумтоз мусиқасига хос “сабки Бухоро” услубининг ажралиб турувчи савт, нақш, зарбайн жанрлар хусусиятлари аниқланган;

улуғ устодлар томонидан таснифланган зарбул қадим, хазаж, уфар дойра усулларининг мусиқий рисолалар мазмунида акс этиши сараҳбор, тасниф, пешравлар билан асосланган;

миллий мақомшуносликда янги жанр ва ашулалар, маҳаллий услублар шаклланиши заминида ўн икки мақом тизими билан яқин алоқадорликда Бухоро Шашмақоми юзага келгани далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

ўзбек мумтоз мусиқа санъатининг ушбу даврида яратилган бирламчи манбалардан олинган хулосалар мусиқашунослик учун муҳим назарий-амалий маълумотлар аниқланган;

мақом санъатида бастакорлик ижодиётининг энг кўп учрайдиган шакл ва жанрларнинг ўзига хос жиҳатлари ушбу санъат асосларини тушунишда асос бўлиб хизмат қилиши далилланган;

ўзбек мумтоз мусиқа мероси, бастакорлик ижодиёти негизида шаклланган мақом мактаблари намуналарини ўқувчи-ёшлар орасида кенг тарғиб этишда назарий масалалар асосланган;

олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида, умумтаълим мактабларида миллий мақом санъатини ўрганишда қўшимча адабиёт бўлиши, “Мақом асослари”, “Ўзбек мусиқаси тарихи”, “Ўзбек мақом санъати тарихи ва назарияси” каби фанларга оид дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилишида ушбу ўрганилаётган давр рисолаларидаги миллий мақом санъати илмий назарий маълумотлари хизмат қилиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Таҳлил этилган бирламчи рисоалардан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилиш имконини берганлиги, уларнинг асослилиги, олинган натижаларнинг амалиётда, таълим жараёнида фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, назарий хулосалар бугунги давр мусиқашунослигида мавжуд маълумотларни кенгайтиради ва тўлдиради, мусиқий манбашунослик, санъатшунослик соҳаларида ҳам бирламчи манбаларда мавжуд мусиқий атамалар моҳиятини теран англаш ва янгича, ўзига хос услубда тадқиқ этиш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертациядаги илмий маълумотларни олий таълим муассасаларида “Ўзбек мақом санъати тарихи ва назарияси” фанида анъанавий ижрочилик, анъанавий хонандалик санъатида дастуруламал сифатида, қолаверса созгарлик санъатида мусиқий чолғулар ҳақидаги маълумотларни амалиётда жорий этиш жараёнларида фойдалидир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XVI-XVII асрларда миллий муסיқий тафаккур ривожининг замонавий талқини (Нажмиддин Кавкабий ва Дарвиш Али Чангий “Рисолаи муסיқий”лари асосида) тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбек мумтоз муסיқаси шакллар ривожига оид муҳим илмий маълумотлар, муסיқага оид назарий хулосалар «Искусство макома в творчестве узбекских бастакоров и композиторов» номли халқаро лойиҳага тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019 йил 9 августдаги 01-11-14-1748-сон маълумотномаси). Илмий натижалар ўзбек мумтоз муסיқий шакллар ривожланиш боқичларини ойдинлаштиришга сабаб бўлган;

Ўзбек мумтоз муסיқаси тарихида муносиб ўрин тутган Нажмиддин Кавкабий ва Дарвиш Али Чангийлар илмий меросидаги назарий масалалар бўйича “Ўзбек миллий мақом санъати маркази” томонидан 2018 йил 6-10 сентябрь кунлари Шаҳрисабз шаҳрида бўлиб ўтган “Мақом муסיқа санъати ва унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни” мавзусида Халқаро илмий-амалий конференция дастурида фойдаланилган (“Ўзбек миллий мақом санъати маркази”нинг 2019 йил 29 майдаги 88-сон маълумотномаси). Натижада конференция иштирокчиларининг Нажмиддин Кавкабий илмий мероси ҳақида янги илмий маълумотларга эга бўлишларига эришилган;

миллий мақом санъатидаги икки рисолада *амал, кор, рехта* каби муסיқий шакллар, бастакорлар ижодиёти ва улар билан боғлиқ мумтоз асарларнинг чолғу куйлари *пешрав* шакли асосида яратилганлиги ҳақида олинган натижалар “Yoshlar” радиоканали орқали эфирга узатилган “Мақомот” туркум эшиттириши сценарийсида фойдаланилган (“Yoshlar” телерадиоканали акциядорлик жамиятининг 2019 йил 20 августдаги 14-03-291-сон маълумотномаси). Пировардида радиотингловчилар шу асосда мақом санъатидаги усуллар ҳақида муайян тасаввурга эга бўлганлар;

муסיқий рисоалар ва шу асосда ривож топган ўн икки мақом ҳақидаги натижалардан Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасида фаолият юритаётган бастакорлар ва муסיқашунослар шўъба мажлисларида миллий мақомшуносликнинг жанр ва ашулалари, маҳаллий услублар шаклланишига асосланган ҳолда фойдаланилган (Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг 2019 йил 13 майдаги 01-04/88-163-сон маълумотномаси). Пировардида ёш бастакорлар ва муסיқашунослар ўн икки мақом ижодиёти ҳақида янги илмий маълумотларга эга бўлганлар.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича эълон қилинган илмий ишларнинг умумий сони 17 та, жумладан, республика журналларида 4 та мақола, 2 та хорижда (Россия), илмий-амалий конференцияларда 11 та тезис чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 143 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот масалалари шакллантирилиб, диссертация мавзусининг ҳозирги замон санъатшунослик илм-фани тараққиётидаги долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“XVI-XVII асрлар мусиқашунослик тараққиётининг устувор йўналишлари”** номли биринчи бобида XVI-XVII асрларда Шарқда, хусусан Марказий Осиёда бўлиб ўтган урушлар, сиёсий тўқнашувлар, давлат бошқаруви учун қилинган исёнларнинг барчаси Амир Темури давлатининг инқирозга юз тутиши, Ҳусайн Бойқаро саройида Абдурахмон Жомий (1414-1492) ва Алишер Навоий (1441-1501), Камолиддин Беҳзод (1455-1537) ва Ҳусайн Воиз Кошифий (1440-1505) сингари буюк ижодкор ва олимлар қаторида Устод Саййид Аҳмад Гижжакий, Устод Шохқули Гижжакий, Устод Қулмуҳаммад Удий, Устод Шайх Фонийлар нафақат Хуросонда, балки бутун Ислом дунёсида ном чиқарган етук мусиқашунос алломалар ижод қилгани ҳақида маълумот берилади.

Шайбонийлардан чиққан Убайдуллоҳон Ҳусайн Бойқарога ўхшаб, адабиёт ва нафис санъатлар ҳомийси ва айни чоғда шеърят ҳамда мусиқа илмининг билимдони сифатида майдонга чиқди ва ёрқин истеъдод соҳиби Мавлоно Кавкабийни ўз саройининг кўрки тариқасида эъзозлади. Убайдуллоҳон “Қул Убайдий” таҳаллуси билан шеърлар битган¹⁴.

Убайдуллоҳон ўз замонасининг етакчи лашкарбошиси, тадбиркор хони бўлиш билан бирга илму-адаб аҳлининг ҳомийси, ижоднинг кўп соҳаларида қалам сурган зукко донишманд бўлган. У мусиқа, қироат, ҳадис ва тафсир илмларида моҳир бўлиб, мусиқа асбобларини яхши чала олган, хушхон ҳофиз сифатида давраларни қизитган.

“Тарихи Рашидий”да Убайдуллоҳон ҳақида бундай дейилган: “Шер ва девонлари арабий, форсий ва туркийда айтибдурлар. Илми мусиқийга кўшиш айлар эрди. Алғараз подшоҳ эрдик, жами сифатларда баркамол эрди. Анинг тириклик вақтида Бухородаги фузало ва бўлағо(етишган)лар, ҳалойиқ ва алойиқ Ҳиротдан, Мирзо Ҳусайн замонасидин ёд берур эрди”¹⁵.

¹⁴ Қул Убайдий. Вафо қилсанг. (Туркий “Девон”дан намуналар). Т. “Ёзувчи” нашриёти, 1994.

¹⁵ Иқтибос бундан: Ҳамиджон Ҳомидий. Кўхна шарқ дарғалари. Т., Шарқ, 2004. Б. 230–231.

Дарвиш Али Чангий моҳир созанда, буюк мусикадон сифатида ҳар қандай саройнинг кўрки бўла олар, шунинг учун уни хон ва шахзодалар ўз олдиларида сақлашга ҳаракат қилардилар. У Абдуллахон, Абдулмўъминхон, Исфандиёр султон ҳамда Боқий Муҳаммадхон ва Имомқулихон саройларида меҳтарлик лавозимида фаолият олиб борган. Бу ҳақида Дарвиш Али Чангийнинг ўзи бундай ёзади: “Мен қирқ йилча меҳтар бўлганман, ундан ўн саккиз йилини Андижонда, тўрт йилини Кешда, ўн йилини Балхда, саккиз йилини Бухорода ўтказдим”¹⁶. Бу ерда, Д.Рашидова тўғри таъкидлаганидек, хронологик тартиб ҳақиқатга тўғри келмайди. Бунинг сабаби йилларни кўрсатишда котиб хато қилган бўлса керак. Чунки, Абдуллахон даврида Мирак Хўжа ҳофиз Султон Хусайн Байқаро даврида меҳтар бўлганидек меҳтар ҳисобланарди. У 107 йил умр кўрган.

Ишончли бўлмаса-да, шу ерда яна бир тахминни ўртага ташлаш мумкин. Айнан Дарвиш Али Чангий яшаган даврда Хивада Арабшоҳлар сулоласининг вакилларида Исфандиёр I (1623-1643) давлатни бошқарган. Агар Мутрибийнинг хабаридаги Исфандиёр султонни Хива хони деб тушунадиган бўлсак, Дарвиш Али Чангий Хивага бориб бир оз муддат Хивада ҳам фаолият олиб борган бўлиб чиқади. Агар шундай бўлса, “Хоразм Танбур чизиғи” китоби муаллифларининг: “Хоразм мусикашунослари кўлида илми мусиқийга оид асарлар, хусусан Дарвиш Алининг рисолаи истеъмолда бўлганлигини тасдиқловчи ёзма манбалар мавжуд”¹⁷ деган қайдлари тўғри бўлиб чиқади ва Хоразм мусикашунослари Дарвиш Али Чангий асарлари билан XIX асрда ёки XX асрда эмас, балки ундан анча олдинроқ – XVII асрдаёқ танишган, деган хулосани келтириб чиқаради.

Умуман олганда, маърифатли шахслар, жумладан моҳир шоир ва мусикашуносларнинг элчи сифатида бориш анъанаси Дарвиш Алидан бошланган бўлса эҳтимол. Зотан, Хоразм мусикашуносларининг илк намояндаси Ниёзжон хўжа Хивадан Бухорога элчи сифатида борганида “Шашмақом” куйларини ўзлаштириб келгани тарихдан маълум¹⁸.

XV асрнинг ўрталаригача Самарқанд Темурийлар салтанати пойтахти ва маданий марказ бўлиб қолди. Амир Темурдан кейин бундай ҳолатнинг сақланишида унинг невараси, буюк олим, илм-маърифат ва нафис санъатлар ҳомийси, жумладан, мусиқа илмининг чуқур билимдони ва бу санъат аҳлининг мададкори Мирзо Улуғбекнинг (1411–1449 йилларда ҳукмронлик қилган) хизматлари катта бўлди. У ваҳшиёна қатл қилингандан кейин ва аксил ҳаракатлар авж олиши муносабати билан илм-маърифат маркази Самарқанддан Ҳиротга кўча бошлайди. Мусиқий тафаккур нуқтаи назаридан ҳам Ҳирот етакчи ўрин тутди.

Абдурахмон Жомий (1414–1492) форс-тожик адабиётининг буюк вакили, шоир, олим ва мутафаккир, мусиқа илми ва амалиётининг йирик намояндаси. У Нишопур яқинидаги Жом вилоятида таваллуд топди ва бутун

¹⁶ ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма. Инв. № 449. 81^а-81^б вароқлар.

¹⁷ Матёқубов О., Болтаев Р., Аминов Ҳ. Хоразм танбур чизиғи. Тадқиқот, матн, табилолот. (Тўлдирилган иккинчи нашри). – Тошкент, 2010. – Б. 27-28.

¹⁸ Ўша манба. – Б. 39.

умри Ҳиротда ўтди. Жомий йигитлигида мусиқа илмини пухта эгаллади, нақш ва пешравлар (яъни, кенг маънода ашула ва чолғу асарлари) яратди.

Жомийнинг “Рисолайи мусиқий”си ўз даврининг мусиқа маданиятида салмоқли ўрин тутди. Асар Алишер Навоийнинг илтимоси билан яратилган ва бунинг асосий сабаби шундаки, мамлакатда ёшлар таълимига мутассадди бўлган бош вазир Ҳиротнинг тўртта мусиқашуносига рисола ёзишни буюриб, уларнинг бирортасидан кониқмаганидан кейин устози Абдурахмон Жомийдан давр талабларига мос асар яратишни илтимос қилган. Бу ҳақда ҳазрат Навоийнинг ўзлари “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да аниқ маълумот беради.

Жомий рисоласи, биринчи навбатда, назариётга тааллуқли ва “илми адвор” таълимотининг асосларини ёритишга қаратилган. Лекин Жомий рисоласининг тарихий аҳамияти шундаки, унда “илми адвор”нинг мафкуравий негизларидан тортиб амалиётга боғланишигача илмий асосда, тушунарли, аниқ ва раво баён этилган.

Алишер Навоий (1441–1501) буюк шоир, мутафаккир ва давлат арбоби. Манбаларнинг далолат беришича, Алишер Навоийнинг ижоди ва фаолияти мусиқа маданиятига самарали таъсир кўрсатди. Хусусан, ҳазрат ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг изчил таълим олиши, билим ва малакаларини оширишни доим диққат марказида сақладилар. Шу билан бирга мусиқа илмининг изчил ривожланишига, мусиқа, шеърят ва умуман бадий ижод масалаларига тегишли давр талабларига муносиб рисоаларнинг яратилишига катта эътибор берди. Мусиқий асарлар битувчи устозлар, уларни маҳорат билан ижро этувчи ҳофиз ва созандаларни моддий рағбатлантириб, мусиқа аҳлининг аҳволидан хабар олиб турди. Ўзлари осуда дамларда соз чалиш, пешрав ва нақшлар (ушбу давр истилоҳига кўра, чолғу ва ашула йўлидаги асарлар назарда тутилади) ижод этди.

Бу серқирра жараённинг айрим томонларига қисқача тўхталиб ўтсак. Алишер Навоийнинг бадий ижоди ва хусусан, шеърятини оладиган бўлсак, унда соз ва созандалар, чолғулар, мусиқанинг шакл ва навлари ҳамда бошқа мавзуларга алоқадор юзлаган байт ва мисраларни топамиз. Улар негизидаги илмий асос ва юксак дид доим ҳайрат уйғотади.

Алишер Навоий шеърларидаги нафосат ва бадий баркамоллик асрлар давомида мутрибу муғанний, ҳофизи хонандалар дастуридан муносиб ўрин олиб келган. Бу мумтоз удум Ўзбекистонда бугунги кунгача давом этиб келмоқда. Бухоро Шашмақомида, айниқса, унинг ашула йўллари (наслари)нинг “шўъбача”лар деб ном олган иккинчи гуруҳ қисмлари, Фарғона-Тошкент мақом йўллари ва Хоразм Дутор мақомларида Навоий ғазаллари кенг ўрин олади.

Алишер Навоий гарчанд махсус мусиқа рисоласи ёзмаган бўлса ҳам, бу санъатнинг маърифий, илмий ва ахлоқий томонларига тегишли масалалар “Мажолис ун-нафоис”, “Мезон ул-авзон”, “Ҳолати Паҳлавон Муҳаммад” каби асарларида муфассал баён этилади. Уларда ўз замонасининг машҳур созанда, хонанда ва бастакорлари, шунингдек, мусиқа илмида маълум

ютукларга эришган санъаткорларнинг ҳаёти ва ижоди ҳамда уларнинг бадииятига хос қизиқарли маълумотлар берилади.

Ўрганилаётган даврнинг йирик намояндаларидан бири Нажмиддин Кавкабий Бухорийдир (ваф. 1532/33). У икки буюк устоз Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий тарбиясини кўрган олим, шоир, созанда ва муסיқашуносдир. Шу нуқтаи назардан унинг ижодий фаолиятини Захириддин Бобурга қиёс қилиб, Хирот урф-одатларининг Бухорода ривож топишида катта таъсир ўтказган шахс, дейиш мумкин. Дарҳақиқат, унинг атрофига нафақат аҳли Бухоро, балки Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарларидан ҳам кўплаб шоир, созанда ва бастакорлар тўпланган. Кавкабийга “Мавлоно” нисбати берилгани ҳам бежиз эмас.

Нажмиддин Кавкабий рисоласи ўрганилган, аммо тўлалигича ёритиб берилмаганлиги бизнинг диссертацион мавзуимизнинг асосларидан бири сифатида гавдаланди. Шўролар даврида Кавкабийнинг исломга бўлган муносабати четлаб ўтилган. Тўлиқ тасвирлаб берилмаган. Бизнинг назаримизда ҳар бир жисмнинг бошланиши бўлмаса, унинг давомини ва охири тасвирлай билиш ўта мушкул. Худди шундай Кавкабий рисоласининг кириш қисмини билмасдан туриб, давомини тушуна билишлик мушкул ҳолат. Рисола охирида Кавкабий шундай хулоса қиладики, “Рисолаи муסיқий тамом бўлди. У илоҳий сирлардан бир сирдир, уни Раҳмоннинг хос бандаларигина билади”¹⁹.

Биргина муסיқий-назарий масалаларга қарайдиган бўлсак, Кавкабий Сафиуддин Урмавий, Абдулқодир Мароғий каби илми адворга таянади, лекин адворнинг нимадан таркиб топиши, қандай бўлиши эмас, балки анъанавий воқеълик, яъни амалиётда мавжуд анъаналар нуқтаи назаридан кўради.

Нажмиддин Кавкабийнинг муסיқа мероси унинг шогирдлари ва ундан кейин ижод этган муסיқашунослар Ҳасан Кавкабий, Мавлоно Ҳожа Муҳаммад, Мавлоно Ризои Самарқандий ижодида ва кейинчалик 1793 йили Бухорода ёзилган муаллифи номаълум бўлган рисоаларда давом эттирилганлигининг гувоҳи бўламиз²⁰.

ЎзР ФА ШИ да сақланаётган Инв. № 468 рақамли қўлёзма алоҳида ўрин касб этади. Қўлёзмадаги асарларнинг ҳаммасини битта хаттот китобат қилган, лекин унинг номи ва кўчирилган санаси қайд қилинмаган. Тахмин қилиш мумкинки, қўлёзма XIX асрда китобат қилинган.

Кавкабий ва Дарвиш Али гарчи бир-бирига яқин даврларда яшаб ижод этган ва хаттоки, ўзаро устоз-шогирд муносабатларида бўлсалар-да, уларнинг илмий қарашларида фарқли жихатлар оз эмас. Қисқаси, уларнинг ҳар бири ўз даврининг маҳсули ва замон талаби ҳамда эҳтиёжларига қараб иш тутганлари ҳам табиий.

¹⁹ Нажмиддин Кавкабий. Рисолаи муסיқий. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма. Инв. № 468. 71^б вароқ.

²⁰ ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар инв. № 1466 “Рисолаи шаш даромад ва насрхояш”; № 1428 “Дар баёни Шашмақом”; № 5734 “Дар баёни Шашмақом” ва ҳ.к.

Кавкабий Бухоро фарзанди, лекин Хиротда таҳсил олган. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий ҳазратлари назарига тушганлиги ҳам алоҳида эътиборга сазовар. У бир томондан “илми адвор” таълимотининг ёрқин намояндалари, Сафиуддин Урмавий, Абдулқодир Мароғий ва, айниқса, Абдурахмон Жомий издоши. Иккинчи томондан, замон талабига кўра, Кавкабий ижодида мусиқа борасидаги назарий қарашлари етакчи ўринга чиқа бошлаганлиги сезилиб туради.

Дарвиш Алини эса, илми мусиқийда улуғлар издошининг сўнгги вакили, дейиш мумкин. Ундан кейин то Фитратгача бу соҳада ўзича йўл тутиб, мустақил фикр юритишга, амалий жараёни ҳолис баҳолашга интиланган мусиқий шахс бизга маълум эмас. Дарвиш Али яшаган давр (XVI асрнинг иккинчи ярми – XVII асрнинг 20 йиллари) Бухорода нафис санъатларга бўлган эътибор жуда пасайиб, созанда аҳли бошпана ахтариб Ҳиндистонга – Бобурийлар саройларига талпинган замонларга тўғри келади.

Диссертациянинг **“Нажмиддин Кавкабий ва Дарвиш Али Чангий мусиқий меросининг илмий тавсифи”** номли иккинчи бобининг биринчи фаслида Нажмиддин Кавкабий илмий мероси ва иккинчи фаслида эса Дарвиш Али Чангий илмий мероси тадқиқ қилинади.

Нажмиддин Кавкабий илмий мероси. Шайбонийлар давлатининг пойтахтига айланган Бухорога замонасининг кўзга кўринган илму маърифат, адабиёт ва санъат аҳли интила бошлади ҳамда унда янги тарихий шароитларда шеърят, мусиқа ва тасвирий санъатнинг “Бухоро мактаби” деб ном олган услуби таракқий топди. Бухоро илм ва санъат аҳли орасида Хирот олтин даври таъсири остида шаклланган йирик олим ва созанда Нажмиддин Кавкабий (1468-1532/1533) ҳам бор эди.

Кавкабий ёшлигида астрономия билан шуғулланган. Алишер Навоий (1441-1501) “Мажолисун нафоис”да уни мунажжим бўлганлигини тилга олади ва шоир сифатидаги битта байтини келтиради. Навоийнинг таъкидлашича, Кавкабий (“Юлдузли”) тахаллусини ҳам Нажмиддин астрономия билан шуғуллангани учун орттирган.

Ҳасанхўжа Нисорий Кавкабийнинг “Куллиёти”дан олинган ўн икки мақом ва олти овоз таърифи тўрт байтда ифодалаган машҳур ғазалини келтиргандан кейин, унинг маҳоратли шоир сифатидаги бир ғазалининг мақтасини намуна қилиб кўрсатади:

Чун Кавкабий ҳайрон, шудам бо ғами хубон,
Ишқ аст маро пеша, ҳар кас хунар дорад.

Мазмуни:

Кавкабий ёр ғамидин эрса шодман,
Ишқ аро ҳар кимда бир хунар боридин ҳайрон.

Демак, Кавкабий моҳир шоир сифатида ҳам лирик ғазаллар ижод қилганлиги ва девон тузганлиги аниқ. Лекин бу манба ҳали бизгача маълум эмас. Унинг девон тузганлигини Дарвиш Али Чангий ҳам айтиб ўтган²¹.

Айтиш жоизки, Кавкабийнинг нафақат таваллуди, балки ўлими билан боғлиқ маълумотларда ҳам ноаниқликлар кўзга ташланади. Хусусан, Исҳоқ Ражабовнинг «Мақомлар» китобининг (Т., 2006) 35-бетида Мавлоно Нажмиддин Кавкабий Бухорий 1576 йилда жазолаб ўлдирилганлиги ҳақида маълумот келтирилган.

Аслида Убайдуллахоннинг ҳукмронлик даври (1511-1540) йилларни ўз саройига олиб, Дарвиш Али Чангийнинг хабар беришича, Кавкабий айнан Убайдуллахоннинг рухсати билан машҳур имомлардан саккизинчиси саналмиш Имом Ризога атаб битта қасида ёзиб, унинг қабрини зиёрат қилишни хоҳлайди ва Машҳад (Эрон) шаҳридаги қабрини зиёрат қилиб Бухорога қайтаётганда Эрон шоҳи Тахмасп томонидан ваҳшийларча ўлдирилади.

Нажмиддин Кавкабий даврининг кўзга кўринган мусиқашуносларидан бири Мавлоно Сурудий (XVI аср) эди. Уни “Ҳофиз Сурудий” деб ҳам атаганлар. У кўпроқ Абдуллахон саройида хизмат қилган. Ҳиротда ўқиган. Кавкабий билан қарийб тенгдош эди.

Нажмиддин Кавкабий ҳақида бошқалардан кўра батафсилроқ маълумот берган ҳам Дарвиш Али Чангий бўлади. У ўзининг “Рисолаи мусиқий” асарида нуфузли мусиқашунослар қаторида Нажмиддин Кавкабий Бухорийга алоҳида ўрин ажратган²².

Нажмиддин Кавкабийнинг басталаган куйлари орасида “Ҳусайний” мақомидаги *зарбул фатҳ* усулида ишланган пайғамбаримиз(с.а.в.) *наът*лари алоҳида ўрин тутди. Чунки бу ўша даврда жуда шуҳрат қозонган ва манбаларда алоҳида таъкидланган. Шунга ўхшаш “Ирок” мақомидаги “Чаҳор зарб” ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ. Алломани энг машҳур қилган, басталаган асари, шубҳасиз, *куллиёт*дир. У Рост мақомида басталанган. Ушбу куллиёт замонлар саҳифасига кўп вақтлар безак бўлиб қолди²³. Шунини яна бир бор таъкидлаш жоизки, назарий масалаларда у ўз устозлари – Урмавий ва Мароғийлар давомчисидай адвор таълимотини мухтасар ёритиб беради.

Нажмиддин Кавкабийнинг мазкур “Куллиёт”идан таъсирланган ва илҳомланган Моварауннаҳру Ҳуросон ва Ҳиндистонлик Ҳожа Юсуф Бурҳон, Ҳожа Юсуф Андижоний, Носиридин Қаввол, Турсунбобо Қамчин, Охун Гурбаи Самарқандий, Мавлоно Абулҳаё, Мавлоно Қосим Коҳий, Юсуф Мавлуд Дуторий, Али Акбар Қонуний, Ҳожа Жафар Қонуний, Мирзо Ҳошим Созанда, Ҳофиз Бобои Қонуний, Ҳофиз Турди Қонуний, Султон Муҳаммад Танбурий, Ҳусайн Удий, Аҳмад Қобузий, Ризои Тантан, Ҳусрави Жайбо, Паҳлавон Абусайид каби созанда ва бастакорлар ўзларининг куллиётларини ижод қилганлар. Жумладан Шоҳ Муҳаммад Долдўз “Кучак” мақомида,

²¹ Дарвиш Али Чангий. Рисолаи мусиқий. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма. Инв. № 449. 71^а вароқ.

²² Ўша асар. 71^б ва 73^а вароқлар.

²³ Шодмонов Н. Темурийлар даврида мусиқашунослик. Т. 1995. Б.28.

Ҳофиз Турди Қонуний эса “Рост” мақомида куллиёт басталаганлар²⁴. Ҳофиз Бобо Қонунийнинг ўзи икки куллиёт тасниф қилган²⁵.

Нажмиддин Кавкабий моҳир созанда ва хонанда ҳамда етук мусиқашунос сифатида ўнлаб шогирдлар етиштирган. Дарвиш Али Чангий унинг шогирдларидан тўрттаси энг асосий ва жуда машҳур деб, номларини келтиради. Улар:

1. Мавлоно Ҳасан Кавкабий,
2. Мавлоно Ҳожа Муҳаммад,
3. Мавлоно Ризои Самарқандий,
4. Мавлоно Боқий Жарроҳ²⁶.

Мавлоно Ҳасан Кавкабий ўз даврининг мутриб, мусиқашунос ва шоири сифатида танилган. У Бухорода туғилиб, ўсган. Бироз муддат Самарқандда ўқиган. Мусиқадаги устози Нажмиддин Кавкабий эди. Унинг мавлоҳатли овози, мусиқа илмини чуқур таҳлил қилиши, шеърдаги маҳорати уни Моварауннахр ва Ҳуросонда “Кавкабии соний” (“Иккинчи Кавкабий”) сифатида танитди. Ҳасан Кавкабий девон тузган бўлиб, у тўлиқ ҳолда бизгача етиб келмаган. Бироқ унинг пароканда шеърлари XVI – XVII асрлардаги кўплаб шеърӣ баёзларда ўз аксини топган²⁷.

“Рисолаи мусиқӣ” ҳам яратган. Бу асар кириш ва беш фаслдан иборат²⁸.

Мазкур рисолаининг биринчи фаслида мусиқа илмининг келиб чиқиши, мусиқа сўзининг маъносига тўхталади²⁹. Шу ерда у устози Мавлоно Нажмиддин Кавкабийнинг ушбу рубоийсини келтирган:

Он нағмаки, руҳ қолиби инсон бувад,
Ҳамроҳ ба-у савти хуши пинҳон бувад.
Гўяндки, савт буд бо-жон ҳамроҳ,
Ҳамроҳ ба-жон мағўки у худ жон бувад.

(Мазмуни: Инсон жасадига руҳ пуфланганда, у билан бирга ҳамроҳ бўлиб, яхши сас пинҳон бўлган эди. Сас жон билан ҳамроҳ эди, дейдилар. Жон билан ҳамроҳ эди, деб айтма, балки унинг ўзи жон бўлган эди).

Ва шундай ўн икки мақом (яъни, ўн икки мақом санъатининг илмӣ-назарӣ масалалари) ҳақида батафсил маълумотлар берилади.

Дарвиш Али Чангийнинг илмӣ мероси. Дарвиш Али Чангий XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг бошларида Бухорода яшаб ижод этган мусиқашунос аллома, моҳир созанда ва хонанда. Мирзаолий Чангий оиласида таваллуд топган бўлиб, ўз даврининг йирик мусиқашуноси, оҳангсози, мутриби ва шоири бўлиб етишди. Дарвиш Али Чангий дастлабки

²⁴ Ражабов А. Нағмаи ниёгон. Душанбе, «Адиб», 1988. Б.27–28.

²⁵ Нажмиддин Кавкабий. Рисолаи мусиқӣ ва Рисола дар баёни Дувоздахмақом / Таҳия, таҳқиқ ва тавзиҳот ба қалами Асқарали Ражабов. Душанбе, 1985. Б.23.

²⁶ Дарвиш Али Чангий. ЎзР ФА ШИ № 449. 71 б. вароқ.

²⁷ Нажмиддин Кавкабий. Рисолаи мусиқӣ ва Рисола дар баёни Дувоздахмақом / Таҳия, таҳқиқ ва тавзиҳот ба қалами Асқарали Ражабов. Душанбе, 1985. Б.25.

²⁸ Асқарали Ражабов. Нағмаи ниёгон. Душанбе, «Адиб», 1988. Б.117–125.

²⁹ Нажмиддин Кавкабий. Рисолаи мусиқӣ. ЎзР ФА ШИ. Инв. № 468\4. 64а вароқ.

маълумотни Бухоро ва Самарқанд мадрасаларида олади. У жуда ёшлигидан мусиқага ҳавасманд бўлиб, қонун, най, ғижжак, руҳафзо ва чанг каби мусиқа асбобларини чалишни Алидўсти Найи, Хожа Жаъфари Қонуний, Мирмасти, Мавлоно Ҳасан Кавкабий, Ҳусайн Удий, Амир Фатҳи Тошкендий каби забардаст устозлардан ўрганади ва бу созларда халқ куйларини ўзига хос услубда ижро этиб, эл орасида катта шуҳрат қозонади³⁰.

